

**Наманган вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши
1 сонли БАЁНИ**

Наманган шаҳри

20 июнь 2013 йил

| | |
|--|----------------------|
| Жамият томонидан муомалага чиқарилган жами акциядорлар сони | - 427650 дона |
| Жойлашган акциялар сони | - 427650 дона |
| Йиғилишда қатнашган акциялар сони | - 272926 дона |
| Шундан | |
| «Ўзкимёсаноат» ДАК улуши | - 230879 дона |
| Умумий йиғилишда кворум | - 63,8 % ташкил этди |

Давлат улушининг ишончли бошқарувчиси вакили «Кукон СФЗ» ОАЖ директори уринбосари Б.А.Расулов («Ўзкимёсаноат» ДАК нинг 18.06.2013 йилдаги № 062-2246/Ш- сонли ишончномаси), 53,98%.

Умумий йиғилиш раиси

| | |
|---|-------------|
| Кузатув кенгаши аъзоси | Б.А.Расулов |
| Ишчи президиум: | |
| Кузатув кенгаши аъзоси | Б.А.Расулов |
| Вилоят молия бошқармаси вакили | А.Ақбаров |
| «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ Бошқаруви раиси | С.М.Тошбоев |

Таклиф этилганлар: Вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖ Бошқаруви раиси ўринбосари, акциядорлар ва уларнинг ишончли вакиллари, жамият бошқаруви аппарати бўлим бошлиқлари ва бош мутахассислари, жамият туман филиаллари мудирлари, бош ҳисобчилари ва иқтисодчилари, «Автоагрокимётаъминот», «Наманганмахсускимё» корхонаси бошлиғи, бош ҳисобчиси, бош иқтисодчиси, Кузатув кенгаши аъзолари ва вилоят Молия бошқармасидан А.Ақбаров

| | |
|--------------------|---|
| Саноқ комиссияси: | Н.Ғойипов – комиссия раиси |
| Комиссия аъзолари: | Р.Дехқонов Г.Махкамов А.Дусматов А.Аббасов |
| Котибият | А.Гаффаров, Ю.Косимова, М.Содиқова |

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ

- 1 Жамият кузатув кенгаши ҳисоботи.
- 2 Жамият бошқарув раисининг 2012 йил якуни бўйича ҳисоботи.
- 3 Акциядорлик жамиятининг 2012 йил бухгалтерия баланси, молиявий натижаси, сарф-харажатларини текшириш натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- 4 Акциядорлик жамиятининг 2012 йил молия хужалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш

- 5 Жамият бошқарувининг 2013 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
- 6 Акциядорлик жамиятининг 2012 йил якуни бўйича жамият ихтиёрида қолган соф фойдани тақсимлаш ва дивиденд миқдорини белгилаш.
- 7 Жамият бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш.
- 8 Кузатув кенгашини қарорларини тасдиқлаш.
- 9 Жамият кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
- 10 Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.
- 11 Жамиятга 2013 йил учун аудиторлик ташкилотини сайлаш ва унга тўланадиган энг юқори ҳақ миқдорини белгилаш.
- 12 Ишга яроксиз, даромад келтирмаётган техника ва асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш ва сотиш ҳақида.

Умумий йиғилишни Наманган вилояти «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши аъзоси Б.А.Расулов очди ва олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 75-моддасига асосан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашаётган акциядорларга тегишли овоз берувчи акциялардан **272926** донаси ёки **63,8%** овоз билан акциядорлар қатнашаётганлиги, бу эса юқоридаги қонунда белгиланган 60% дан кўпни ташкил этаётганидан келиб чиқиб, умумий йиғилишни очиқ деб эълон қилди.

Кун тартибидаги 1- масала - Кузатув кенгашининг 2012 йил якунлари бўйича ҳисоботи.

Ушбу масала бўйича Кузатув кенгаши аъзоси Б.А.Расулов йиғилиш қатнашчиларига Кузатув кенгашининг 2012 йил якунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Маъруза матни илова қилинади. Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан музокараларда Кузатув кенгаши аъзолари Т.Каримбаев, М.Гайбуллаев ва Р.Мамадалиевлар сузга чиқиб жамият кузатув кенгашининг ҳисоботини тасдиқлашни таклиф қилдилар.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари орқали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 2- масала – вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти Бошқаруви раисининг 2012 йил якуни бўйича ҳисоботи. Ушбу масала бўйича жамият бошқаруви раиси С.М.Тошбоев 2012 йил давомида «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти ва унинг тизимидаги туман филиаллари томонидан амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботни ўқиб эшиттирди.

Маъруза матни илова қилинади. Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан музокараларда Кузатув кенгаши аъзоси Б.Расулов сузга чиқиб, жамият бўйича дебитор қарздорликларни йил бошига нисбатан 5938,6 млн сумга усганлигини таъкидлаб утди. Шундан дебитор қарздорликларни 919.7 млн сум қупайишига йул қуйган **Мингбулок** туман филиали мудирини З.Юлдашев ва бош ҳисобчи Ф.Турсуновлардан дебитор қарздорликларни қискартириш бўйича амалга оширган ишлари ҳақида ҳисобот беришини суради. Филиали мудирини З.Юлдашев ва бош ҳисобчи Ф.Турсуновларни ҳисоботи эшитилди.

Косонсой туман филиалида дебитор қарздорликлар йил бошига нисбатан 824,5 млн сумга усган. Филиалда жами дебитор қарздорлик ҳам 6757,0 млн сум булиб энг юкорилигича колмоқда. Соф фойда олиш режаси эса 98 % га ёки режа 167 минг сумга кам бажарилган. Филиали мудирлари С.Мавлонов ва бош хисобчи С.Эргашевларни хисоботи эшитилди.

Чуст туман филиалида дебитор қарздорликлар йил бошига нисбатан 632,8 млн сумга усган. Соф фойда олиш режаси эса 97 % га ёки режа 336 минг сумга кам бажарилган. Филиали мудирлари А.Сарбоев йигилишда катнашмади. Филиал бош хисобчи А.Икрамовни дебитор қарздорликларни қискартириш буйича хисоботи эшитилди.

Учкурган туман филиалида дебитор қарздорликлар йил бошига нисбатан 1102,8 млн сумга усган. Филиали мудирлари О.Ибрагимов йигилишда катнашмади. Филиал бош хисобчиси Д.Тошпулатовни дебитор қарздорликларни қискартириш буйича хисоботи эшитилди.

Поп туман филиалида дебитор қарздорликлар йил бошига нисбатан 909,0 млн сумга усган. Филиали мудирлари Х.Пирматов ва бош хисобчиси Я.Эргашевларни дебитор қарздорликларни қискартириш буйича хисоботи эшитилди.

Кузатув кенгаши аъзоси Б.Расулов уз сузида давом этиб, юкоридаги туман филиалларида минерал угитлар Узбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 16 мартдаги ПК-1503 сонли қарорларига зид равишда олдиндан 100 фоизли туловларсиз фермер хужалиқларига минерал угитлар етказиб берилган. Филиалларда дебитор қарздорликларни ундириш буйича етарли иш ташкил этилмагани учун интизомий жазо чоралари қурилишини ва 2013 йил 9 ойлик якуни буйича хисоботлари эшитилиб, дебитор қарздорликлар ундирилмаса вазифасидан озод қилиш чораси қурилиб, хужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этишни тақлиф қилди. Шунингдек музокараларда Кузатув кенгаши аъзоси Т.Каримбаев, жамият Тафтиш комиссияси аъзоси Ё.Зиётовлар сузга чиқиб, жамият бошқаруви раисининг 2012 йил якуни буйича хисоботини тасдиқлашни тақлиф қилдилар.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари орқали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 3- масала - Акциядорлик жамиятининг 2012 йил бухгалтерия баланси, молиявий натижаси, сарф-харажатларини текшириш натижалари буйича тафтиш комиссиясининг хисоботини тасдиқлаш.

Ушбу масала буйича тафтиш комиссиясининг раиси О.Юлдашев сузга чиқиб 2012 йил якуни буйича жамият тизимидаги туман филиаллари ва қорхоналарида аудит текшируви ўтказилиб, текширув натижалари буйича олинган хулосаларни тафтиш комиссияси томонидан ўрганиб чиқилганлигини маълум қилди.

Маъруза матни илова қилинади.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан музокараларда Кузатув кенгаши аъзолари Б.Расулов, Т.Каримбаев, жамият ички аудитори Р.Жураевлар сузга чиқиб, Тафтиш комиссиясининг 2012 йил якуни буйича хисоботини тасдиқлашни тақлиф қилдилар.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари орқали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 4- масала - Акциядорлик жамиятининг 2012 йил молия хужалиқ фаолиятини текшириш натижалари буйича ташки аудитори хулосасини тасдиқлаш . Ушбу масала буйича жамият ташки аудитори М.Хошимхонов сузга чиқиб 2012 йил якуни буйича жамият тизимидаги туман филиаллари ва қорхоналарида аудит текшируви

ўтказилиб, текширув натижалари бўйича олинган хулосаларни тасдиқлаб куйишларини таклиф қилди.

Хисобот матни илова қилинади.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан музокараларда Кузатув кенгаши аъзоси Б.Расулов, Т.Каримбаев, жамият ички аудитори Р.Жураевлар сузга чикиб, жамият ташки аудиторининг 2012 йил якуни бўйича хисоботини тасдиқлашни таклиф қилдилар.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб куйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 5- масала – Жамият бошқарувининг 2013 йил учун Бизнес режасини тасдиқлаш. Ушбу масала бўйича жамиятнинг молия, иқтисодий таҳлил ва қимматли қоғозлар бўлими бош мутахассиси Н.Ғойипов жамият томонидан 2013 йил учун тайёрланган Бизнес-режа билан йиғилиш қатнашчиларини қисқача таништирди.

Бизнес режада асосан 2013 йилда жамиятнинг умумий иш фаолияти бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва келгуси йилларда кутилаётган натижалар батафсил ифода этилган.

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан музокараларда Кузатув кенгаши аъзолари М.Гайбуллаев, Т.Каримбаев жамият бошқаруви раиси С.Тошбоев, жамият бошқаруви раиси ўринбосари . А.Гаффаровлар жамиятнинг 2013 йил Бизнес режасини тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар билан тасдиқлашни таклиф қилдилар.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб куйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 6- масала - Акциядорлик жамиятининг 2012 йил якуни бўйича жамият ихтиёрида қоладиган соф фойдани тақсимлаш ва дивиденд миқдорини белгилаш.

Ушбу масала юзасидан жамият бошқаруви раисининг ўринбосари А.Гаффаров 2012 йил якуни бўйича жамият ихтиёрида қоладиган соф фойдани аудиторлар ҳамда тафтиш комиссиясининг хулосаларини инобатга олган ҳолда кузатув кенгашининг 2013 йил 18 майдаги 5 сонли йиғилиш қарорига асосан тақсимланганини маълум қилди.

Хисоб китоблар илова қилинади. Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан музокараларда Кузатув кенгаши аъзолари Т.Каримбаев, М.Гайбуллаев, Ш.Юлдашевлар жамиятнинг 2012 йил якуни бўйича олинган соф фойдани юқоридаги таклиф асосида тақсимланишига розилик беришни таклиф қилдилар.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб куйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 7- масала - Жамият бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш.

Ушбу масала юзасидан кузатув кенгаши аъзоси Б.А.Расулов сузга чикиб аввалги акциядорларни умумий йиғилишларида жамият бошқаруви раиси Саидусмон Тошбоев ва кузатув кенгаши ўртасида бир йил муддатга шартнома тузилган бўлиб, ўтган давр мобайнида С.Тошбоев жамият ва туман филиаллари томонидан агрокимёвий хизмат турларини кўпайтиришда, минерал ўғитлардан сифатли ва самарали фойдаланишда, пахта ва ғалла хосилидан мўл хосил етиштиришда етук раҳбар- мутахассис эканлигини, ўзини жамоага жонкуяр, меҳнатсевар раҳбар сифатида эътироф этганини таъкидлади. Шу муносабат билан «Ўзкимёсаноат» ДАК раҳбарияти, вилоят Хокимлиги тавсиясига

биноан С.Тошбоевни яна бир йил муддатга кузатув кенгаши раиси билан шартномани узайтиришни ва бюллетенлар орқали ушбу номзодга ўз овозларини беришларини таклиф қилди.

Шундан сўнг кузатув кенгаши аъзоларидан Т.Каримбаев, Р.Мамадалиевлар акциядорлардан Ё.Зиётов, А.Ғаппаровлар сузга чикиб, Кузатув кенгаши аъзоси Б.А.Расуловни таклифига қўшилган холда жамият бошқаруви раиси С.М.Тошбоев номзодига «Ўзкимёсаноат» компанияси ва вилоят хокимлиги томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришига ишонч билдиришди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари орқали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 8- масала – Кузатув кенгаши қарорларини тасдиқлаш.

Ушбу масала бўйича Кузатув кенгаши аъзоси Б.А.Расулов сўз олиб, 2012 йил 26 июнда жамият акциядорларининг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши томонидан жамият фаолиятини 5 марта йиғилиш утказиб муҳокама қилингани (кузатув кенгаши йиғилиш баенлари илова қилинади) курилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар юзасидан кун тартибидаги биринчи масалада ҳам айтиб ўтилганлигини инобатга олиб, 2012 йил 26 июндан 2013 йил 20 июнга қадар кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йиғилиш қарорларини умумий йиғилиш қатнашчиларидан тасдиқлаб қуйишларини таклиф этди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари орқали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 9- масала - Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

Кузатув кенгаши аъзоси Б.А.Расулов ҳар йили йил якуни бўйича ўтказиладиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият кузатув кенгаши аъзолари қайтадан сайланишини ва акциядорлар умумий йиғилиш қоидаларига кўра умумий йиғилиш ўтказиш қунига қадар акциядорлардан янги номзодлар тўғрисида таклифлар киритилиши лозимлигини таъкидлади. Шунинг учун жамият кузатув кенгашининг 2013 йил 18 майдаги йиғилиш қарори билан жамият кузатув кенгаши янги таркибига 10 та номзодлар тавсия этилаётгани ва овоз бериш бюллетенларига киритилганини, шундан куп овоз олган 9 нафари кузатув кенгашига сайланишини ва номзодлар хақида маълумотлар берди, ҳамда кузатув кенгашининг янги таркибига овоз беришларини таклиф қилди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари орқали тасдиқлаб қуйишлари суралди. Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 10- масала - Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.

Кузатув кенгаши аъзоси Б.А.Расулов ҳар йили йил якуни бўйича ўтказиладиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият тафтиш комиссияси аъзолари қайтадан сайланишини ва акциядорлар умумий йиғилиш қоидаларига кўра умумий йиғилиш ўтказиш қунига қадар акциядорлардан янги номзодлар тўғрисида таклифлар киритилиши лозимлигини таъкидлади. Шунинг учун жамият кузатув кенгашининг 2013 йил 18 майдаги йиғилиш қарори билан жамият тафтиш комиссияси янги таркибига 5 та номзодлар тавсия этилаётгани ва овоз бериш бюллетенларига киритилганини, шундан куп овоз олган 3 нафари жамият тафтиш комиссиясига сайланишини ва номзодлар хақида маълумотлар берди, ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркибига овоз беришларини таклиф қилди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб куйишлари суралди.
Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 11- масала - Жамиятни 2012 йил молиявий ҳолатини текшириш учун аудитор ташкилотини тасдиқлаш ва унга тўланадиган энг юқори ҳақ миқдорини тасдиқлаш.

Ушбу масала юзасидан жамият ички аудитори Р.Жураев сузга чиқиб, «DAVR» МЧЖ, «Asl-Moliya Taxlil» МЧЖ »NAMANGAN OPTIMAL AUDIT» МЧЖ ва «AVANTAJ-AUDIT» аудиторлик ташкилотларидан 2012 йилда Наманган вилоят «Кишлоқхужалиққимё» ОАЖ ва туман филиалларига аудиторлик хизмати курсатиш буйича тижорат таклифлари билан чиққанликларини маълум қилди ва аудиторлик ташкилотлари ҳақида маълумотлар берди. Жамият кузатув кенгашининг 2012 йил 23 майдаги йиғилиш қарори билан «DAVR» МЧЖ, «Asl-Moliya Taxlil» МЧЖ »NAMANGAN OPTIMAL AUDIT» МЧЖ ва «AVANTAJ-AUDIT» аудиторлик ташкилотлари жамиятнинг овоз бериш бюллетенларига киритилганини эътиборга олиб ушбу аудиторлик ташкилотларига овоз беришларини таклиф қилди.

Кузатув кенгаши аъзоси Б.Расулов сузга чиқиб, «DAVR» МЧЖ, «Asl-Moliya Taxlil» МЧЖ «NAMANGAN OPTIMAL AUDIT» МЧЖ ва «AVANTAJ-AUDIT» аудиторлик ташкилотларидан бирига овоз беришларини суради ва Сайланган аудиторлик ташкилотига тўланадиган энг юқори ҳақ миқдорини жамият бошқарувида кўриб чиқиб Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритилишини таклиф қилди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб куйишлари суралди.
Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Кун тартибидаги 12- масала - Ишга яроксиз, даромад келтирмаётган техника ва асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш ва сотиш ҳақида.

Ушбу масала буйича жамият транспортда ташишни ташкил қилиш, дехкон-фермер хужалиқларга сервис хизмати курсатиш бўлими бошлиғи К.Окилов сузга чиқиб, бугунги кунда жамиятга фойда келтирмаётган ишга яроксиз техника воситаларини вилоят жамияти томонидан тузилган махсус комиссияси томонидан урганиб чиқилиб ишга яроксиз, даромад келтирмаётган техника воситаларини ҳисобдан чиқариш ва сотиш ҳақида тайёрланган руйхат ва комиссия ҳулосасини умумий йиғилиш катнашчиларига уқиб эшиттирди ва тасдиқлашларини таклиф қилди. (Руйхат ва Комиссия ҳулосаси илова қилинади).

Кун тартибидаги ушбу масала юзасидан музокараларда Кузатув кенгаши аъзолари Т.Каримбаев, Б.Расулов, жамият бошқаруви раиси С.М.Тошбоев, жамият ташки аудитори М.Хошимхоновлар сузга чиқиб жамият махсус комиссияси томонидан тақдим этилган ишга яроксиз, даромад келтирмаётган техника воситаларини ҳисобдан чиқариш ва сотиш ҳақида тайёрланган руйхат ва комиссия ҳулосасини умумий йиғилиш катнашчиларидан тасдиқлаб куйишлари таклиф қилдилар.

Юқоридаги масала буйича таклифларни умумий йиғилиш катнашчиларидан тасдиқлаб куйишлари суралди.

Акциядорлардан овоз бериш бюллетенлари оркали тасдиқлаб куйишлари суралди.
Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар - **272926** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Юқоридагиларга асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1 Вилоят жамияти кузатув кенгашининг 2012 йил якуни бўйича берган ҳисоботи тасдиқлансин.
- 2 Жамият бошқарув раисининг 2012 йил якуни бўйича берган ҳисоботи тасдиқлансин.
Дебитор қарздорликларни 919.7 млн сум қупайишига йул қуйган Мингбулок туман филиали мудирини З.Юлдашев ва бош ҳисобчи Ф.Турсуновларга “Хайфсан” эълон қилинсин.
Дебитор қарздорликларни йил бошига нисбатан 824,5 млн сумга ўсишига йул қуйганлиги ҳамда соф фойда олиш режасини бажарилишини таъминламаганлиги учун Косонсой туман филиали мудирини С.Мавлоновга нисбатан иш ҳақини 50 фоизи миқдорида жарима солинсин ва филиал бош ҳисобчиси С.Эргашевга “Хайфсан” эълон қилинсин.
Дебитор қарздорликларни йил бошига нисбатан 632,8 млн сумга ўсишига йул қуйганлиги ҳамда соф фойда олиш режасини бажарилишини таъминламаганлиги учун Чуст туман филиалида Филиали мудирини А.Сарбоевга нисбатан иш ҳақини 50 фоизи миқдорида жарима солинсин ва филиал бош ҳисобчиси А.Икрамовга “Хайфсан” эълон қилинсин.
Дебитор қарздорликларни 1102,8 млн сум қупайишига йул қуйган Учқургон туман филиали мудирини О.Ибрагимов ва бош ҳисобчи Д.Тошпулатовларга “Хайфсан” эълон қилинсин.Жамият бош ҳуқуқшуноси Ш.Кодировни дебитор қарздорликларни ундириш бўйича амалий ёрдам бериш учун Учқургон туман филиалига хизмат сафарига юборилсин.
Дебитор қарздорликларни 909,0 млн сум қупайишига йул қуйган Поп туман филиали мудирини Х.Пирматов ва бош ҳисобчи Я.Эргашевларга “Хайфсан” эълон қилинсин.
Минерал угитлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 16 мартдаги ПК-1503 сонли қарорига асосан олдиндан 100 фоизли туловлар билан фермер ҳужалиқларига етказиб берилсин.
Филиал мудирларини дебитор қарздорликларни ундириш бўйича 2013 йил 9 ойлик якуни бўйича ҳисоботлари эшитилсин.
Дебитор қарздорликлар ундирилмаси филиал мудирларини вазифасидан озод қилиш чораси қурилиб.ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этилиши белгилаб қуйилсин.
- 3 Акциядорлик жамиятининг 2012 йил бухгалтерия баланси, молиявий натижаси, сарф-харажатларини текшириш натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлансин.
- 4 Акциядорлик жамиятининг 2012 йил молия ҳужалиқ фаолиятини текшириш натижалари бўйича ташқи аудитор ҳулосасини тасдиқлансин.
- 5 Жамият бошқарувининг 2013 йил учун тузган Бизнес-режаси қўшимча ва ўзгартиришлар билан тасдиқлансин.
- 6 Акциядорлик жамиятининг 2012 йил якуни бўйича ҳисобланган 143745.9 минг сўм соф фойдасининг 5 % - 7187.3 минг сўм заҳира фондига, 11.26 % -16193.25 минг сўм кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув раҳбарлари ва тафтиш комиссияси аъзоларини

рағбатлантиришга, 1 % - 1437.46 минг суми Вазирлар Маҳкамасининг 12.11.2008 йилдаги 245-сонли қарорига асосан Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасига, 0,5 % - 718.73 минг сум Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПК-916–сонли қарорига асосан модернизация ва янги технология жамғармасига, 22.14 % - 31823.86 минг сум жамиятни ривожлантириш жамғармасига, қолган 60,1 % - 86385.3 минг сўм дивидендга ажратилсин ва ҳар бир дона акция учун 202 сўмдан дивиденд тўлансин.

7 Жамият бошқаруви раиси С.М.Тошбоев билан тузилган шартнома яна бир йил муддатга узайтирилсин ва 2013 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига қадар тузилсин.

8 2012 йил 26 июндан 2013 йил 20 июнгача жамият кузатув кенгаши томонидан ўтказилган 5 та йиғилиш қарорлари тасдиқлансин.

9 Жамият кузатув кенгаши аъзолари этиб М.Р.Холбердиева, Б.Д.Шахбазов, Ш.А.Тураев, Б.А.Расулов, Ш.К.Юлдашева, Т.Каримбаев, С.А.Миронов, М.О.Гайбуллаев, Р.Мамадалиевлар сайлансин.

10 Жамият тафтиш комиссияси аъзолари этиб А.Гаппаров, Ё.Зиётов, Х.Пулатовлар сайлансин.

11 Акциядорлик жамиятига 2013 йил учун «DAVR» МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудиторлари тасдиқлансин. Аудиторларга тўланадиган ҳақ жамият бошқаруви томонидан қуриб чиқилиб ва Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритилсин.

12 Ишга яроксиз, даромад келтирмаётган техника воситаларини ҳисобдан чиқариш ва сотиш ҳақида тайёрланган руйхат ва комиссия хулосасини тасдиқлансин. Амалда белгиланган қонунлар асосида техникаларни сотишни ва харажатга чиқаришни ташкил қилинсин.